«МАЪКУЛЛАНДИ»
«Yunusobod dexqon bozori » AJ
2019 йил « 30 » ноябрдаги
Кузатув кенгашининг
қарори билан

“ТАСДИҚЛЛАНДИ”
“Yunusobodi dexqon bozori”A J
2020 йил “ 19 “ майда
Умумий йиғилиш
қарори билан

# “Yunusobodi dexqon bozori” АЖнинг 2020 йил

# БИЗНЕС РЕЖАСИ

Тошкент-2020 йил

## 1. ИШ МАЗМУНИ.

"Юнусобод деҳқон бозори" акциядорлик жамияти «Олой бозори» ОАЖ акциядорларининг 1998 йил 25 майдаги умумий мажлис қарорига асосан алоҳида юридик шахс сифатида ажралиб чиққан бўлиб, Давлат мулкини бошкариш ва тадбиркорликни қуллаб қувватлаш Давлат қумитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 8.07.1998 йилдаги 602К-ПО буйруғига асосан, Адлия Вазирлигининг «Юридик шахснинг Давлат рўйхатидан утказиш тўғрисида»ги 22 сентябр 2003 йилдаги 993-сонли гувоҳномасига ва 1998 йил 9 июлдаги 326-сонли Давлат ордерига асосан фаолият курсатади.

Жамият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 12 августдаги 315-сонли, 2004 йил 12 августдаги 387-сонли ва 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли, 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан фаолиятини кўрсатиб келмоқда.

"Юнусобод деҳқон бозори" акциядорлик жамияти ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги «Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1326-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Бозорлар ва, савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 253-сонли қарори ва юқори ташкилотлар курсатмалари асосида олиб борди хамда 2017 йил давомида бозорни сантария-техник ҳолатини яхшилаш, аҳолига, сотувчи ва харидорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсаадида белгиланган вазифаларни амалга ошириб келди.

Жамият қуйидаги манзилда жойлашган:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Д-3 мавзе.

Жамиятнинг асосий иш фаолияти: **Ахолига савдо ва хизмат курсатиш**.

Жамиятда ҳозирги кунда ўртача 102 нафар ишчи ходим меҳнат қилиб келмоқда. Жамият худудидаги хизмат турлари: сартарошлик, калит ясаш, зооаптека, пойафзал таъмирлаш, кийим кечак - тикиш устахоналари ва бошка маиший хизмат турлари мавжуд.

Жамиятда бозор худудига кириб келаётган озиқ- овқат, қишлок хужалик махсулотларини курикдан утказиш учун лаборатория, Давлат Солик Инспекцияси ва Милиция таянч пунктлари мавжуд.

Жамият шахримиздаги мехрибонлик уйларига ва хар хил жамиятларга мурувват ёрдамларини курсатиб келмокда.

Жамият жами 4,36 гектар майдонга (шаҳобчалари билан) жойлашган бўлиб, тадбиркорлар фаолият кўрсатишлари учун 1708 та савдо ўринлари мавжуд. Жамиятнинг 6 та шахобчасида жами 82 дона савдо жойи мавжуд.

## 2. ТУШУНТИРИШ АХБОРОТИ.

"Юнусобод деҳқон бозори" АЖ назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун савдо шахобчалари (шу жумладан савдо павильонлари, киосклари), шунингдек савдо расталари орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг олди-сотдисига хизмат кўрсатувчи мулкий комплексдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига мувофиқ бозорнинг хизматлар кўрсатишдан, бозор ҳудудидаги ер участкалари, бинолар ва иншоатларни ижарага беришдан, шунингдек патта тўловини ундиришдан олинадиган даромадларидан умумдавлат ва маҳаллий солиқлар олинмайди. Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253- сонли карорининг 21- бандига асосан бозорни бошқариш бозор маъмурияти томонидан амалга оширилиши, унга ушбу Қоидалар ва бошҚа қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш учун жавобгарлик юкланган.

Даромадлар умумий миқдорининг 50 фоизи бозор маъмурияти ихтиёрида қолади ва улардан жорий харажатларни қоплашда, реконструкция қилишда, ободонлаштиришда, бозор томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтиришда, сифатини яхшилашда, ҳамда акциядорларга дивиденд тўлаш мақсадида фойдаланилади, қолган 50 фоизи белгиланган тартибда маҳаллий бюджетга ўтказилади.

## 3. "ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ.

Жамиятнинг асосий фаолият турларига қуйидагилар киради:
- савдо жойлари учун ундириладиган патта тўловлари;
- бозорнинг ҳудудида жойлашган ва уларнинг тасарруфидаги ер участкалари, бинолар ва иншоатларни ижарага беришдан олинган тушумлар;
- сотувчилар ва харидорларга хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- бозор маъмурияти томонидан амалга ошириладиган қишлоқ хўжалиги товарларини тайёрлаш, харид қилиш ва сотишдан олинган даромадлар;
- арава ва автотўхташ хизмати тўловлари;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа тушумлар бозор даромадларининг манбаалари ҳисобланади.

Тошкент шаҳридаги бозорлар жойлашуви ва ихтисослашувига қараб маҳсулотларни савдосини ташкил этилиши ҳар хил кузатилади.

Шу жумладан «Юнусобод деҳқон бозори» АЖда жамиятнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, қуйидаги тартибда таклиф этилади:

- Қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари савдоси- 95%
- озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси- 5%

## 4. <u>"ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖ ТАЪСИСЧИЛАРИ.</u>

"Юнусобод деҳқон бозори" АЖ таъсис ҳужжатларига асосан жамиятнинг низом жамғармаси 845000,0 минг сўмни ташкил этади. Низом жамғарма номинал қиймати 1300 сўм миқдорида бўлган 650000 дона акцияларга бўлинган. Акцияларнинг хиллари-эгаси ёзилган. Акцияларнинг турлари (тоифалари) – оддий. Жамиятнинг барча акциялари қуйидаги тартибда тақсимланади:

-Тошкент шахар хокимияти улуши 94,95 фоиз, 802321,0 минг сўм ёки 617170 дона акция;
-Қолган акциядорлар улуши 5,1 фоиз, 42679,0 минг сўм ёки 32830 дона акция
Жамиятнинг корхоналарга куйган узок муддатли инвестициялари:
- Ипотека банки АТИБ Мехнат булими - акциялар киймати 1 185 920 сум 872 дона акция.

## 5. <u>ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ.</u>

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига асосан, жамиятни бошқаришни акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув Кенгаши ва ижроия органи амалга оширади. "Юнусобод деҳқон бозори" АЖнинг олий бошқарув органи ***<u>акциядорларнинг умумий йиғилиши</u>*** ҳисобланади.
Акциядорларнинг умумий йиғилишининг мутлоқ ваколати доирасига қуйидагилар киради:
Умумий мажлис-акциядорлик жамиятини юкори органининг мутлок ваколатига куйидагилар киради:
- жамият уставига узгартиришлар ва кушимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиклаш;
- жамиятни кайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиклаш;
- жамият кузатув кенгашининг микдор таркибини белгилаш унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тухтатиш;
- эълон килинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондини купайтириш;
- жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини кайтариб сотиб олиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тухтатиш;

• жамиятнинг аудиторини ва унга тўланадиган хизмат хақини энг кўп микдорини белгилаш;

• жамиятнинг йиллик бизнес-режаларини йиллик хисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари счётини тасдиклаш, унинг фойда ва зарарларини таксимлаш;

• акциялар очик ёзилиш оркали жойлаштирилган холларда акцияларга конвертация килинадиган кимматли когозларни сотиб олишга акциядорнинг устунлик ҳуқуқини қулламаслик туғрисида қарор қабул қилиш;

• умумий йигилиш иш тартибини тасдиклаш;

• акцияларни бўлиш ва жамлаш;

• йирик битишувларни содир этиш.

Жамиятнинг фаолиятига умумий рахбарлик қилувчи Кузатув Кенгаши бўлиб, ***Кузатув Кенгаши томонидан*** қуйидагилар амалга оширилади:

-Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

-Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташкари Умумий йигилишларини чакириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тугрсида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни 72- моддасида тутилган холлар бундан мустасно;

-Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибини тайёрлаш;

-Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш санасини белгилаш, шунингдек, акциядорларнинг умумий йиғилишини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этиш;

-Акциядорларнинг умумий йиғилиши куриб чиқиши учун жамият низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги низомни тасдиқлаш ва аудиторини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;

- Мол–мулкнинг бозор қийматини белгилаш;

-Жамият номидан ижро этувчи органи раҳбарини бир йил муддатга ёллаш тўғрисидаги ёллаш мехнат шартномасини тузиш;

- жамият йиллик бизнес-режасини маъқуллаш;

- Ижро этувчи органга туланадиган такдирлаш пули ва компенсациялар микдорларини белгилаш;

- Жамият тафтиш комиссияси аъзолари (тафтишчи)га тўланадиган тақдирлаш хаки, компенсациялар микдори бўйича тавсиялар бериш;

- Акциялар юзасидан дивидендлар микдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

- Жамиятнинг захира ва бошқа жамгармаларидан фойдаланиш;

- Жамиятни бошкариш органи фаолияти тартибини белгиловчи хужжатларни тасдиклаш;

- Жамият филиаларини ташкил этиш ва унинг ваколатхоналарини очиш;

- Жамиятнинг шуъба ва буйсунувчи корхоналарини ташкил этиш;

- Жамият Низомида назарда тутилган ҳолларда мол – мулкни сотиб олиш ва бегоналаштириш билан боглиқ йирик битишувларни тузиш;

***Жамият директори*** акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустакил равишда хал килади, Умумий йигилиш ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

**Жамият директори**:

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошка ташкилотлар ва органлар билан бўлган узаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

- акциядорлик жамиятининг низоми ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф килиш.

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан мехнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда хисоб-китоб счётлари ва бошка счётлар очиш;

- ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган бўйруклар ва курсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш хукукига эгадир.

Жамият бошқарувининг асосий вазифаси-жамият ривожланиши мақсадларига эришиш учун тактик қўлланмалар усулларини амалга оширишда изланишлар олиб бориш, жамиятнинг даромадлилигини доимо ошириб боришдир.

## 6. "ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖНИНГ МОЛИЯВИЙ ИҚТИСОДИЙ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Курсаткичлар | Улчов бирлиги | 01.01.2017 Йил | 01.01.2018 Йил | 01.01.2019 йил | 01.01.2020 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ишчилар сони | Киши | 99 | 99 | 105 | 102 |
| 2 | Асосий воситалар бош.киймати | минг сумм | 2016750,0 | 2126270,5 | 2447076.0 | 2473727.0 |
| 3 | Асосий воситаларнинг колдик киймати | минг сумм | 1405127,0 | 1416807,8 | 1515409.0 | 1612222.0 |
| 4 | Жами актив киймати | минг сумм | 2028984,7 | 4164827,8 | 3740295.0 | 2989417.0 |
| 5 | Товар ва хом ашё захиралари | минг сумм | 4936,6 | 892651,0 | 35561.0 | 75800.0 |
| 6 | Жорий мажбуриятлар, жами | минг сумм | 498227,2 | 2267343,4 | 1733238.0 | 700565.0 |
| 7 | Бюджетга жами карздорлик | минг сумм | 1345,0 | 950,6 | 1452.0 | 0.0 |
| 8 | Иш хакидан карздорлик | минг сумм | 38733,4 | 6382,3 | 14576.0 | 15021.0 |
| 9 | Соф фойда | минг сум | 174137,5 | 309223,0 | 101991.3 | 369167.6 |

## 7. ЖАМИЯТНИНГ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши бошқарув функцияларидан ташқари, ижроия органининг ҳаракати устидан назорат фаолиятини амалга оширади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга асосан, акциядорлик жамиятида молиявий фаолиятини назорат қилувчи махсус орган кўзда тутилган бўлиб, тафтиш ҳайъати 3 кишидан таркиб топган.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ.

1. Жисмоний шахслар томонидан қишлоқ-хўжалиги, гушт маҳсулотлари, балик ва бошка маҳсулотлар билан савдо фаолиятини амалга ошириш учун 1708 та савдо растасидан олинадиган жой хаки. Жойлар сони ва тўлов миқдори Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан белгиланган нархда олинади.
2. Бино ва иншоатларнинг ижара хақи ва коммунал хизмат туловлари
3. Автоулов тўхташ жойлари
4. Арава хизмати
5. Маиший хизмат хоналари
6. Бошқа даромадлар

## 9. "ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖ НИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Молиявий ривожланиш, нархлар ва жамият фаолиятининг фискал режими:
Жамиятнинг жисмоний ривожланиши;
Жамият имиджи;
Жамият хизматлари нархлари;
Жамиятнинг шахсий савдо фаолияти;
Жамият томонидан истеъмол қилинадиган хизмат ва маҳсулотларга нархлар;
Солиқ режими;
Банк кредитланишининг нархи ва шартлари.
Инфляциянинг миқдори ва тезлиги;

Энг кам иш ҳақи миқдорини ўзгариши;

Низом жамғармасининг миқдорини, акциялар чиқарилиши, дивидендларни тўланиш частотаси.

## 10. "ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АЖ НИНГ МОЛИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИЛАРНИНГ ТАҚСИМОТИ.

Минг сўмда

| № | Кўрсаткичлар | 2016 йил | | 2017 йил | | 2018 йил | | 2019 йил | | 2020 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | Амалда | Режа | Амалда | Режа | амалда | Режа | амалда | режа |
| 1 | Жами даромад | 5579469,1 | 5950152,8 | 6851307,2 | 6696258,3 | 7296300.0 | 7561291.9 | 9310800.0 | 10199236.3 | 10407420.0 |
| 2 | Жой хаки | 2739017,5 | 291063,1 | 3389810,0 | 3452047,1 | 3801500.0 | 3869415.5 | 4354650.0 | 4618116.2 | 4798500.0 |
| 3 | Хизмат хаки | 1505967,7 | 1634652,3 | 1896830,0 | 1670499,2 | 1805900.0 | 1835502.0 | 2166450.0 | 2357499.0 | 2383200,0 |
| 4 | Ижара хаки | 175423,8 | 1244001,8 | 1458467,2 | 1447561,2 | 1512000.0 | 1656386.7 | 2464000.0 | 2744570.1 | 2870000.0 |
| 5 | Инфратузилма да даромад | 40363.0 | 40526.3 | 42735.0 | 42845.3 | 48600.0 | 48206.4 | 57700.0 | 58476.3 | 59400.0 |
| 6 | СХК даромад | 12000,0 | 3546,9 | 0,0 | 0,0 | 0.0 | 0.0 | 0.0 | 0.0 | 0,0 |
| 7 | Коунал хизматла | 90055,8 | 95304,4 | 99600,0 | 98170,6 | 103800.0 | 119779.3 | 261000.0 | 294977.3 | 289000.0 |
| 8 | Бошқа даромадр | 7050,0 | 10658,9 | 6600,0 | 27980,2 | 24500.0 | 32002.0 | 7000.0 | 12597.4 | 7320.0 |
| 9 | Жами харажатлар | 214849,2 | 2239126,2 | 2455677,3 | 2567928,9 | 2865773.4 | 3280060.5 | 4265925.0 | 4730450.6 | 6089466,0 |
| 10 | Соф фойда | 149387,0 | 24750,4 | 491014,1 | 309222,9 | 300820.8 | 101991.0 | 389475.0 | 369167.6 | 2368371,0 |

Жамият бошқаруви кадрлар сиёсатида асосий меҳнат жамоасини сақлаб қолишга интилади, анъанавий рағбатлантириш шаклларидан ташқари, шунингдек ёрлиқлар бериш орқали маънавий рағбатлантириш, меҳнат дафтарчасига рағбатлантириш ёзувлари ва бошқаларни амалга оширади. Юқори ихтисосли фаолият турларида бошқарув вақти-вақти билан вақтинчалик ишчи кучини шартнома асосида жалб этади.

Жамият томонидан тасдиқланадиган даромадлар ва харажатлар сметасининг харажат қисмида белгиланган маблағ доирасида иш олиб борилади. Имкон даражасида кам маблағ ишлатилиб, режалаштирилган харажатлардан иқтисод қилиниши кўзда тутилади.

Шу билан бирга жамият томонидан 2020 йил давомида бир катор хайрия ишларини ҳам амалга ошириш, тумандаги мехрибонлик уйларига, наврўз умумхалқ байрами, мустақиллик, хайит ва янги йил байрамлари муносабати билан байрам дастурхонлари ташкил этилиши амалга оширилади.

## 11. ЖАМИЯТНИНГ 2019 ЙИЛ якуни бўйича ДАРОМАДЛАР СМЕТАСИНИНГ АМАЛДАГИ БАЖАРИЛИШИ.

| № | КУРСАТКИЧЛАР | минг сумда | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Режа | амалда | фарқи | %да |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Даромадлар** | | | | |
| 1 | Жой хаки | 4354650.0 | 4618116.2 | 263466.2 | 106.05 |
| 2 | Хизмат хаки | 2166450.0 | 2357499.0 | 191049.0 | 108.8 |
| | шу жум. Авто/тух.даромади | 669350 | 696940.8 | 27590.8 | 104.1 |
| | СХК товарайланиши | | | | |
| 3 | СХК даромади | | | | |
| 4 | Ижара хаки | 2464000.0 | 2744570.1 | 280570.1 | 111.2 |
| 5 | Инфратузилма даромади | 57700.0 | 58476.3 | 776.3 | 101.1 |
| 6 | Коммунал хизматлар | 261000.0 | 294977.3 | 33977.3 | 113.0 |
| 7 | банк фоизи даромадлари | | | | |
| 8 | Дивидендлар | | | | |
| 9 | Бошка даромадлар | 7000.0 | 125597.4 | 118597.4 | 17.9 баравар |
| | **жами даромадлар** | **9310800.0** | **10199236.3** | **888436.3** | **109.5 %** |
| | **Мажбурий солиқлар** | | | | |
| | 50% ДСИга ажратма | 4655400.0 | 5099618.2 | 444218.3 | 109.54 |
| | **Даромадлар қолдиғи** | **4655400.0** | **5099618.2** | **444218.2** | |
| | **Жорий харажатлар** | | | | |
| 1 | Иш хаки | 2296900.0 | 2222988.3 | -73911.7 | |
| 2 | 25% туловлар | 532225.0 | 537926.1 | 5701.1 | |
| 3 | Сув ва канализация | 100500.0 | 98596.0 | -1904.0 | |
| 4 | Электр куввати | 384000.0 | 484767.4 | 100767.4 | 1.2 баравар |
| 5 | Дезинфекция харажатлари | 12000.0 | 9149.8 | -2850.2 | |
| 6 | ГАЗ | 1200.0 | 0 | -1200.0 | |
| 7 | Махсустранс | 240000.0 | 232136.8 | -7863.2 | |
| 8 | Транс. харажатлари | 25400.0 | 15000.6 | -10399.4 | |
| 9 | Иссиклик энергияси | 13000.0 | 18676.9 | 5676.9 | |
| 10 | Телефон телеграф | 7200.0 | 7842.8 | 642.8 | |
| 11 | муниципал мил ходим | 199000.0 | 200833.8 | 1833.8 | |
| 12 | Жорий таъмирлаш | 265000.0 | 551529.4 | 286529.4 | 2барава |
| 13 | кечиктирилган харажат | 30000.0 | 28472.2 | -1527.8 | |
| 14 | Ас.восита эскириши | 98500.0 | 91108.1 | -7391.9 | |
| 15 | банк % хизмати | 18000.0 | 12379.3 | -5620.7 | |
| 16 | бошқа харажатлар | 43000.0 | 219043.1 | 176043.1 | 5.9 баравар |
| | **ЖАМИ ХАРАЖАТЛАР** | 4265925.0 | 4730450.6 | 464525.6 | |
| | **СОФ ФОЙДА** | **389475.0** | **369167.6** | **-20307.4** | **94.78** |

***12.ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛ ДАВОМИДА"ДАРАМОДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР" СМЕТАСИНИНГ АСОСИЙ КУРСАТКИЧЛАРИ РЕЖАСИ***

(минг сўм)

| № | Кўрсатгичлар | 1 чорак | 2 чорак | 3 чорак | 4 чорак | 2020 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Даромадлар** | | | | | |
| 1 | Жой ҳақи | 1017000,0 | 1124000,0 | 1380000,0 | 1277500,0 | 4798500,0 |
| 2 | Хизмат хаки | 471700,0 | 581500,0 | 648500,0 | 681500,0 | 2383200,0 |
| | Шу жум:Автотухташ даромади | 140000,0 | 166000,0 | 197000,0 | 216000,0 | 719000,0 |
| 3 | Ижара хаки | 595000,0 | 750000,0 | 760000,0 | 765000,0 | 2870000,0 |
| 4 | Инфратузилма туловлари | 14400,0 | 15000,0 | 15000,0 | 15000,0 | 59400,0 |
| 5 | Коммунал хизматлар | 64000,0 | 75000,0 | 75000,0 | 75000,0 | 289000,0 |
| 6 | Бошка дармодлар | 1920.0 | 1800.0 | 1800.0 | 1800.0 | 7320.0 |
| | **Жами даромадлар** | **2164020.0** | **2547300.0** | **2880300.0** | **2815800.0** | **10407420.0** |
| | **Мажбурий харажатлар** | | | | | |
| 2. | **Жами бюджетга** | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **солиқлар** | | | | | |
| 2.1 | ҚҚС 15 % | 282263.0 | 332257.0 | 375691.0 | 367278.0 | 1357490.0 |
| 2.2 | 12 % ижтимоий солик | 98400.0 | 108000.0 | 115200.0 | 115200.0 | 436800.0 |
| 2.3 | Мол-мулк солиғи | 6765.0 | 6765.0 | 6765.0 | 6765.0 | 27060.0 |
| 2.4 | Ер солиғи | 145498.0 | 145542.0 | 145542.0 | 145542.0 | 582124.0 |
| 2.5 | Сув ресур.фойд.солиғ | 2900.0 | 3000.0 | 3000.0 | 3000.0 | 11900.0 |
| 2.6 | Фойда солиғи | 91374.0 | 140695.0 | 185875.0 | 174150.0 | 592093.0 |
| **3** | **Жами Соф тушум (Форма 2 сатр 010)** | **1881757.0** | **2215043.0** | **2504609.0** | **2448522.0** | **9049930.0** |
| **4** | **ХАРАЖАТЛАР** | | | | | |
| 4.1 | Иш хаки | 820000.0 | 900000.0 | 960000.0 | 960000.0 | 3640000.0 |
| 4.2 | 12 % ижтимойи суғурта | 98400.0 | 108000.0 | 115200.0 | 115200.0 | 436800.0 |
| 4.3 | Мол-мулк солиғи | 6765.0 | 6765.0 | 6765.0 | 6765.0 | 27060.0 |
| 4.4 | Ер солиғи | 145498.0 | 145542.0 | 145542.0 | 145542.0 | 582124.0 |
| 4.5 | Сув ресур.фойд.солиғ | 2900.0 | 3000.0 | 3000.0 | 3000.0 | 11900.0 |
| 4.6 | Сув ва канализация | 23478.0 | 26609.0 | 21912.0 | 17391.0 | 89390.0 |
| 4.7 | Электр кувватиi | 93913.0 | 95652.0 | 95652.0 | 94087.0 | 379304.0 |
| 4.8 | Газ харажатлари | 300.0 | 300.0 | 300.0 | 300.0 | 1200.0 |
| 4.9 | Дизнефекцияхъаражатлари | 3100.0 | 3300.0 | 3100.0 | 3330.0 | 12830.0 |
| 4.10 | Махсустранс | 49302. | 49215.0 | 49840.0 | 49840.0 | 198197.0 |
| 4.11 | Транспорт харажатлари. | 2850.0 | 2850.0 | 2850.0 | 2879.0 | 11429.0 |
| 4.12 | Телефон,телег. интернет | 1950.0 | 2100.0 | 2100.0 | 2100.0 | 8250.0 |
| 4.13 | Муниципал мил.ходи | 60000.0 | 60000.0 | 60000.0 | 60000.0 | 240000.0 |
| 4.14 | Жорий таъмирлаш | 0 | 60000.0 | 60000.0 | 61319.0 | 181319.0 |
| 4.15 | Асосий воситал. эскириши. | 25500.0 | 26261.0 | 27000.0 | 27000.0 | 105761.0 |
| 4.16 | Банк фоизи хизмати | 3375.0 | 3375.0 | 3375.0 | 3375.0 | 13500.0 |
| 4.17 | Иссиклик энергияси | 8965.0 | 0 | 0 | 6696.0 | 15652.0 |
| 4.18 | Бошка хараж. | 78600.0 | 18600.0 | 18600.0 | 18950.0 | 134750.0 |
| | **Жаъми харажатлар** | **1424887.0** | **1511569.0** | **1575236.0** | **1577774.0** | **6089466.0** |
| 5 | **Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда (зара) Ф-2 сатр 240** | **456869.0** | **703474.0** | **929373.0** | **870748.0** | **2960464.0** |
| 6 | **Фойда солиғи** | **91374.0** | **140695.0** | **185875.0** | **174150.0** | **592093.0** |
| 7 | **Ҳисобот даври соф фойдаси (зарар) (Ф-2-270 сатр)** | **365495.0** | **562779.0** | **743498.0** | **696598.0** | **2368371.0** |
| | Рентабеллик даражаси | 16.9 | 22.1 | 25.8 | 24.7 | 22.8 |

*Тошкент шаҳар Ҳокимияти томонидан таърифлар ўзгарганда, мазкур жадвалга жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.*

**13. «Юнусобод деҳқон бозори» АЖ томонидан 2020 йил давомида амалга ошириладиган ишлар режаси.**

**1.** Янги иш жойларини барпо этиш.

**2.** Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли карорига мувофик стационар савдо шахобчалари сонини кўпайтириш ва ижара тушумларини ошириш.

**3**.Жамият Уставида белгиланган бошка хизматларни курсатиш.

**4**.Бозор атрофини харидорларга кулайлик яратиш максадида жорий таъмирлаш ташкил килиш режалаштирилган.

14. Жамият тизимида фаолият курсатаетган «Элга хизмат» маъсулияти чекланган жамияти томонидан 2020 йил давомида амалга ошириладиган ишлар режаси

1. Республика вилоятларидан картошка, сабзи, пиез, карам, гушт ва бошқа қишлок хужалик маҳсулотларини сифатли ва арзон сотиш учун деҳқон фермер хужаликлари билан шартномалар тузиш.
2. Тошкент, Тошкент вилояти парранда фабрикалари билан товуқ ва тухум маҳсулотларини арзон ва сифатли ҳолда шартнома асосида сотиб олиб шаҳар аҳолисига етказиш.
3. Тошкент ва Хоразм вилоятларидан гуруч, дуккакли махсулотлар учун шартномалар тузиб, махсулотларни арзон ва сифатли килиб, шаҳар ахолисига етказиш.
4. Савдо расталари устидаги яроқсиз банерларни янгисига алмаштириш.
5. «Элга хизмат Юнусобод» МЧЖ га карашли хар бир савдо расталарини санитария талабларига риоя килган холда ушлаб туриш.
6. Халк талаб ва истакларини инобатга олган холда кенг камровли халк истеъмол моллари савдосини ташкил килиш.

## 15. БОШҚА АСОСИЙ РЕЖАЛАР

Жамиятимизнинг 2020 йил учун белгиланган фаолиятида соҳамизга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган масалаларни бажаришга асосий эътибор берилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тадбир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.

Ҳозирги кунда асосий бозоримизнинг буш турган ҳудудларидан унумли фойдаланиш тадбирлари курилмоқда.

Жамиятнинг 2020 йил учун истиқболли режаларида асосий эътиборни бутун куч ва бор имкониятларни биринчи навбатда белгиланган режаларни ошириб бажарилишига, шунингдек асоссиз харажатларни вужудга келмаслигига қаратилади. Жумладан, бу тадбирларда жамиятимиздаги мавжуд камчиликларни ва нуқсонларни ўрганиб чиқилиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриш, олинган даромадларни тўғри шаклланиши ва улардан мақсадли фойдаланишни 2020 йилга мўлжалланган моддий техника базасини мустаҳкамлаш дастурига асосан комплекс пуллик хизматлар кўрсатишни, жой ҳақи ва кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида тўлиқ ундирилишини таъминлашни ва бир канча амалий ишлар олиб борилади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоамизнинг ҳар бир ишчи ходимлари ва ижроия органи ходимлари юқорида кўрсатиб ўтилган масалардан тегишли ҳулосалар чиқариб ўз ишларини белгилашлари лозим. Ана шундагина ютуқларимиз янада салмоқли, акциядорларимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади.

«Юнусобод деҳқон бозори»
АЖ директории в/б: А.З.Убайдуллаев

Бош хисобчи: М.М.Мавлянова